

ШАРТНОМА № 22

Наманган шаҳар

«02» август 2022 йил

«ODINSTROY TM» МЧЖ (қуйи матнда «БАЖАРУВЧИ») номидан корхона директори Н.Мирзаев бир томондан Наманган вилоят Куриклаш бошқармаси раҳбари Х.Э.Абдуллаев иккинчи томондан ушбу шартномани туздик.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

- 1.1. Мазкур шартномага асосан «Бажарувчи» куёш панелларини мазкур шартнома шартлари асосида «Буюртмачи» га урнатиб беради. «Буюртмачи» эса маҳсулотни ва кўрсатилган хизматни қабул қилиб олиш ва ушбу шартномада кўрсатилган муддат ва тартибларда ҳақ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
- 1.2. «Буюртмачи» га етказиб бериладиган маҳсулотнинг номи, техник кўрсаткичлари, миқдори, нархи ва суммаси ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган «Бажарувчи» ва «Буюртмачи» ўртасида тузиладиган спецификацияларда ҳисобланади. «Бажарувчи» ва «Буюртмачи» ўртасида тузиладиган спецификациялардаги нархлар фақат шу спецификация учун амал қилади.

2. ШАРТНОМА БАХОСИ, ХИЗМАТ КУРСАТИБ БЕРИШ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 2.1. Мазкур шартноманинг умумий баҳоси шартнома тузилаётган санада 414 250 000 (тўрт юз ўн тўрт миллион икки юз эллик минг) сўми ташкил этади.
- 2.2. «Буюртмачи» шартнома тузилиб, имзоланган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида спецификация (илова) №1 да кўрсатилган маҳсулотни ва ишларни умумий қийматини 100% миқдорида олдиндан тулов амалга оширилади.
- 2.3. Маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар учун тўловлар «Буюртмачи» томонидан «Бажарувчи» нинг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
- 2.4. Ўзаро келишув шартномаси имзолангандан сўнг, «Буюртмачи» томонидан шартноманинг 2.1. бандида кўрсатилган қиймат ўтказиб берилгандан сўнг, «Бажарувчи» 20 иш куни мобайнида ўрнатиб, соз ҳолатда ишга тушириб бериш мажбуриятини олади. Агарда зарурат бўлса «Буюртмачи» талабига биноан ёки келишилган ҳолда шартномани бажариш муддати ўзгариши мумкин. Шартномани бажариш муддатида об-хаво ва ва шарт шароитлар ҳисобга олинади.
- 2.5. «Бажарувчи» томонидан «Буюртмачи» га мазкур шартноманинг умумий қийматидан ортиқ суммадаги кўрсатилган хизмат ва маҳсулотлар учун «Буюртмачи» билан ўзаро қайта ҳисоб-китоб қилинади.

3. ШАРТНОМА БАЖАРИЛИШИ

- 3.1. Мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажариш керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятларини таъминласа шартнома бажарилди деб ҳисобланади ва бажарилган ишлар буйича ҳисоб-фактура, далолатнома тузилиб, хизмат ҳақининг олган қисми, агар қолган бўлса 2 (икки) банк иш куни ичида тулик ҳисоб-китоб қилинади.
- 3.2. Қолган ҳолатларда шартнома шартларига тегишли ўзгаришлар томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ киритилади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 4.1. «Буюртмачи» «Бажарувчи» томонидан келган ходимларни иш олиб боришлари учун шароит яратиб беради ва уларни урнатилган амалий ёрдам беради.
- 4.2. «Буюртмачи» бажарилган иш ҳужжатларини ўз вақтида расмийлаштиради ва курсатилган ҳақларни ўз вақтида ўтказиб беришни таъминлайди.
- 4.3. «Бажарувчи» маҳсулотни «Буюртмачи» талабномаси асосида келишилган жойга урнатиб беради.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

- 5.1. Хизмат курсатиб бериш кечиктирилган ёки тулик хизмат курсатилмаган тақдирда «Бажарувчи» «Буюртмачи» га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажармаган қисмининг 0,0 % и миқдорида пеня тулайди. Бироқ унда пенянинг умумий суммаси курсатилмаган хизмат қийматининг 50% дан ортиқ бўлмаслиги керак.
- 5.2. Маҳсулот ва курсатилган хизмат учун ўз вақтида ҳақ туланмаган тақдирда «Буюртмачи» «Етказиб берувчи» га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,0 % миқдорида пеня тулайди. Бироқ бунда пенянинг умумий суммаси курсатилмаган хизмат қийматининг 50% идан ортиқ бўлмаслиги керак.

- 5.3. Пеня туланиши шартнома мажбуриятларини бузган томон шартномани зарур тарзда бажаришдан ва курсатиб берилмаган хизматлар муддати кечиктирилиши ёки хизматни тулик курсатиб бермаслиги туфайли етказилган зарарлар копланишидан озод этмайди.
- 5.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари амалдаги конун хужжатларига мувофик белгиланади.
- 5.5. Шартнома мажбуриятлари юзасидан «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳукукий базаси тугрисида» ги конуни талаблари кулланилади.

6. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 6.1. Агар бир томондан курсатилган хизмат сифати миқдори ва суммаси тугрисида узгариш бўлса, узаро келишувга асосан узгартириш киритилади.
- 6.2. Ушбу шартнома юзасидан ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар уртасида келиб чиқадиган низо ва зиддиятлар тарафлар уртасида музокаралар (талабнома ёзиш) олиб бориш йули билан хал этилади.
- 6.3. Агар бир томонда шартноманинг шартларини бажара олмаслиги олдиндан маълум бўлса иккинчи томонга ёзма маълумот беради.
- 6.4. Музокаралар олиб бориш йули билан низони хал этиш имконияти бўлмаган тақдирда, Наманган вилоят Иқтисодий судида куриб чиқилади.

7. ФОРС-МАЖОР

- 7.1. Форс-мажор ҳолатида, жумладан ер кимирлаш, сел келиш каби табиий офатлар, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан янги конун ва қарорларни қабул қилиниши натижасида келиб чиқадиган ҳолатлари тарафлар мазкур шартнома ва қушимча келишувлар шартларини бажарилиши масъулиятини уз зиммасига олмайдилар.
- 7.2. Юзага келган форс-мажор ҳолатлар бўйича томонлар бир-бирларини конунларда белгиланган муддатларда зудлик билан оғохлантиришлари керак.

8. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 8.1. Мазкур шартнома «Буюртмачи» ҳамда «Бажарувчи» лар томонидан тасдиқланган ва шартномани томонлар имзолаган кундан бошлаб ва Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Газначилиги томонидан тасдиқлангандан сунг кучга киради ва «31» декабр 2022 йилгача амал қилади.
- 8.2. Томонлар уртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тулик тугалланган тақдирдагина тухтатилади.

9. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

- 9.1. Мазкур шартнома 2-нусхада тузилиб, икки нусхаси ҳам юридик жиҳатдан тенг ҳуқуқли ҳисобланади.

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»
«ODINSTROY TM» МЧЖ

Манзил: Нам.шаҳар. Турақургон куча, 194-уй
Тел: +99899 324 88 87
Х/р: 20208000605362368001
Банк: Асака банк Наманган бўлими
МФО: 00231, ИНН: 308308369



Н.Мирзаев

«БУЮРТМАЧИ»

Манзил: 716008, Наманган шаҳри, Сирғалиқоҳаси, 208-уй.
Тел: 2159 6000 1001 8332 8001
Х/р: 2159 6000 1001 8332 8001
Х/р: 2159 6000 1001 8332 8001
Банк: МФБ: 00 021 INN: 200 048 854
МФО: 04 021 ИНН: 200 048 854
ОКЕД: 04 021 Тел: 80 268 227 25 43



Директор:
М.У.